



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 7 » сентябрь

№ 541

Toshkent sh.

### Атроф мұхитга таъсирни баҳолаш механизмини янада тақомиллаштириш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мұхитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш түғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, атроф мұхитга таъсирни баҳолаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш, атроф мұхитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир мұхим қарорларни қабул қилишда шаффоффликни таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мұхитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури түғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармонига мувофиқ “рақамли иқтисодиёт”га ўтиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун ҳар йили қоғоз шаклида тақдим этиладиган 30 мингга яқин хужжатларнинг электрон алмашинуви тизимини яратиш;

“Жамоатчилик назорати түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган атроф мұхитга таъсир кўрсатиши юқори ва ўртacha даражада хавфли бўлган фаолият турларининг атроф мұхитга ва аҳоли соғлиғига узлуксиз салбий таъсир кўрсатишини муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувларини ўтказишни амалга жорий этиш түғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Куйидагилар:

атроф мұхитга таъсир кўрсатишининг юқори (кейинги ўринларда – I тоифага мансуб), ўртacha (кейинги ўринларда – II тоифага мансуб) ва паст даражада хавфли (кейинги ўринларда – III тоифага мансуб), шунингдек, маҳаллий даражада таъсир кўрсатувчи (кейинги ўринларда – IV тоифага

мансуб) ва Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ;

атроф мұхитга таъсир кўрсатишнинг I, II, III ва IV тоифаларига мансуб фаолият турларини давлат экологик экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш, экспертизадан ўтказишга материалларни тайёрлаш ва тақдим этиш, экспертизани ўтказиш муддатлари, экспертиза иштирокчиларининг хуқук ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, экспертиза холосаси мақоми ва экспертизани ўтказиш учун ҳақ тўлашни тартибга солувчи Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

атроф мұхитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган фаолият турларининг атроф мұхитга салбий таъсирини аҳоли ва жамоатчилик орасида мұхокама қилиш учун жамоатчилик эшитувини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, шунингдек, жамоатчилик эшитуви иштирокчиларининг хуқуқий ҳолатини белгиловчи Атроф мұхитга таъсирини баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат экология қўмитаси давлат экологик экспертизаси соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин ва унга давлат экологик экспертизасини ўтказишда қуидаги функциялар юклансин:

давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш;

давлат ва жамоат экологик экспертизаси бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун эксперт ва мутахассисларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро эксперторларни жалб қилиш;

банк ва бошқа кредит ташкилотларига давлат экологик экспертизаси бўйича ижобий холоса берилмаган объектларни молиялаштириш, уларга кредит ажратиш ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиш (тугатиш) ҳақида тақдимномалар юбориш;

давлат экологик экспертизаси бўйича хulosалар бажарилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича тажриба алмашишда бошқа мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш;

атроф мұхитга таъсири баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган материаллар ва лойиҳалар сифатини баҳолаш ҳамда ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг рейтингини шакллантириш.

4. Давлат экология қўмитаси:

а) 2020 йил 1 октябрга қадар:

Ўзининг веб-сайти орқали давлат экологик экспертизасидан ўтказишнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин;

Бунда давлат экологик экспертизасидан ўтказишнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизими ишга тушгандан сўнг ариза ва атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ёзма равишда қабул қилиш тўхтатилиши белгилаб қўйилсин (маҳсус ҳуқуқий режимга эга обьектлар бундан мустасно);

давлат экологик экспертизаси хулосаларининг холислиги ва асосланганлигини таъминлаш, экспертиза органларига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиши, уларга услубий раҳбарлик қилиши, шунингдек, экспертизани ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш учун доимий фаолият юритувчи эксперталар кенгаши ташкил этилишини таъминласин;

б) атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб фаолият турларининг давлат экологик экспертизасини атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги анкета асосида ўтказиш чораларини кўрсин;

в) 2020 йил 1 декабрдан бошлаб, ушбу қарорга З-иловага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган I ва II тоифаларга мансуб бўлган мўлжалланаётган ва режалаштирилаётган фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказилишини ташкил этсин;

г) бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарорнинг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини тадбиркорлик субъектлари ва жамоатчилик орасида кенг ёритиш бўйича оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилинишини ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил этилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қурилишнинг барча турлари учун давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, ер участкаларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотларига давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган лойиҳаларни молиялаштириш ва уларга кредит ажратиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси Ш.Ш. Абдуразаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига  
1-илова

## Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати

### Атроф мухитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига мансуб (юкори даражада хавфли) фаолият турлари (\*)

1. Республика ва халқаро аҳамиятига эга бўлган автомагистраллар, метро, темир йўллар, тез харакатланадиган катта йўллар, кўприклар ва юк терминаллари.
2. Аэропортлар.
3. Атом станциялари, ядроий реакторли қурилмалар, атом саноати чиқиндилари ва бошқа радиоактив чиқиндиларга ишлов бериш ёки утилизация қилиш қурилмалари.
4. Нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш ҳажми бўйича I ва II тоифадаги базалар.
5. Республика ва вилоятлараро аҳамиятга эга бўлган сув ўтказгичлар.
6. Сув омборлари ва тўғонлар.
7. Кон-бойитиш фабрикалари.
8. Маиший чиқинди полигонлари (200 минг кишидан ортиқ аҳолиси мавжуд шаҳарлар ва аҳоли пунктлари учун).
9. 30 МВт дан ортиқ қувватга эга бўлган гидроэлектростанциялар.
10. Руда ва кимёвий хомашёни қазиб олиш конлари, қазиб олишда ҳосил бўладиган конларни рекультивация қилиш ишлари.
11. Дарё ва сой ўзанларини тўпланиб қолган норуда материаллардан тозалаш ва қазиб олиш ишлари.
12. Ёқилғи ресурсларини (нефть, газ, кўмир ва бошқалар) қидириш, разведка қилиш, қазиб олиш ва кудуқларни жиҳозлаш ишлари.
13. Қора ва рангли металлургия заводлари.
14. Тери-кўнчилик корхоналари.
15. Суткалик иш ҳажми 280 минг куб метрдан ортиқ бўлган канализация тозалаш иншоотлари.
16. Республика ва давлатлараро аҳамиятга эга бўлган электр узатиш линиялари.
17. Машинасозлик саноати (авиасозлик, вагонсозлик, автомобиль, трактор, мотор ишлаб чиқариш ва бошқалар).
18. Захарли чиқиндиларни, шунингдек, шлам ва шлакларни тўплаш ёки кўмиш полигонлари.
19. Республика аҳамиятига эга бўлган нефть ва газ қувурлари, шунингдек, нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари.
20. Ер ости газ омборлари.

21. Ер остида ишқор билан ювиш полигонлари, шунингдек, зич ҳолатда ишқор билан ювиш технологиясидан фойдаланадиган корхоналар.

22. Хавфлилик даражасининг I ва II синфига мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёкиш корхоналари.

23. Аккумуляторлар ва унинг элементлари, шунингдек, гальваник батареялар ишлаб чиқариш корхоналари.

24. Асбест ва таркибида асбест бўлган буюмларни ишлаб чиқариш корхоналари.

25. Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш корхоналар.

26. Халқаро битимлар билан тартибга солинадиган, таркибида заҳарли моддалар бўлган асбоб-ускуналар ёки курилмаларни ишлаб чиқариш корхоналари.

27. Радиоактив моддалар (изотоплар) ишлаб чиқариш, уларни ишлатиш ва сақлаш (тиббиёт тизими бундан мустасно) корхоналари.

28. Таркибида заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли кимёвий моддалар ҳамда I ва II хавфлилик синфга мансуб бирималар ишлаб чиқариш корхоналари.

29. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари.

30. Цемент ишлаб чиқариш корхоналари.

31. Республика аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар омборхоналари.

32. 300 МВт ёки ундан ортиқ қувватга эга бўлган иссиқлик, фото, шамол электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари.

33. Фармацевтика заводлари ва фабрикалари (тайёр доривор воситаларни қадоқлаш корхоналари бундан мустасно).

34. Кимё комплекслари ва заводлари.

### **Атроф муҳитга таъсир қўрсатишнинг II тоифасига мансуб (ўртacha даражада хавфли) фаолият турлари (\*\*)**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари ва кўпприклар.

2. Аэродромлар.

3. Вилоятлараро аҳамиятга эга бўлган ер ости сувларини олиш иншоотлари.

4. Маиший чиқинди полигонлари (100 мингдан 200 минг кишигача истиқомат қиласидиган аҳоли пунктлари учун).

5. Темир йўл деполари.

6. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни излаш, қидириш ва қазиб олиш ишлари.

7. Суткалик иш унуми 50 мингдан 280 минг куб метргача бўлган канализация тозалаш иншоотлари.

8. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ёғ-мой ва биологик қўшимчалар ишлаб чиқариш комплекслари.

9. Резина хомашёси, маҳсулотлари ва буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари.

10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятга эга бўлган электр узатиш линиялари.

11. Сув ўтказиш қуввати секундига 50 куб метрдан ортиқ бўлган магистрал каналлар, дарёлар ва лойиҳа бўйича ҳисобланган қуввати секундига 20 куб метрдан ортиқ бўлган коллекторлар.

12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятига эга бўлган нефть ва газ қувурлари.

13. Дамбалар.

14. Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш ва қадоқлаш корхоналари.

15. Чармни бўяш ва локлаш корхоналари.

16. Йилига 300 тоннадан ортиқ газмол ва қофозни лок билан кимёвий тўйинтириш, шунингдек, руberoид ишлаб чиқариш ҳамда хавфлилик даражаси III - V синфга мансуб заҳарли кимёвий моддалар ва бирикмалар ишлаб чиқариш корхоналари.

17. Хавфлилик даражасининг III тоифасига мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёкиш корхоналари.

18. Қурилиш саноати корхоналари, асбест ва цемент ишлаб чиқариш бундан мустасно.

19. Қофоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналари.

20. Ёғоч-қипиқ ва ёғоч-толали плиталар ишлаб чиқариш корхоналари.

21. Оптик тола ишлаб чиқариш корхоналари.

22. Косметика препаратлари ишлаб чиқариш корхоналари.

23. Кўмир кули омборлари.

24. Бўяш ва оқартириш цехлари бўлган йигирув ва тўқув фабрикалари.

25. Паррандачилик фабрикалари (шу жумладан, паррандани этиштириш, сўйиш ва маҳсулотни қайта ишлаш).

26. Радиотехника саноати ва электрон саноат.

27. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар, шу жумладан, ўғитлар омборхоналари ва заҳарли чиқиндихоналарни рекультивация қилиш ишлари.

28. Нефть ва газ конларини сейсмик жиҳатдан разведка қилиш (сейсмик ва электр разведкаси бундан мустасно) ишлари.

29. Иссиклик қуввати соатига 100 МВтдан 300 МВтгacha бўлган иссиқлик электр станциялари ва бошқа энергетик ёндириш қурилмалари.

30. Паҳтани қайта ишлаш корхоналари.

31. Бўёқлар, шу жумладан, лок-бўёқ ишлаб чиқариш корхоналари.

32. Биологик, радиоактив ва ёнувчи-портловчи моддалар билан ишловчи марказий лабораториялар (лаборатория фаолиятида фойдаланиладиган жиҳоз ва ускуналар бундан мустасно).

33. Геофизик ва геологик тадқиқотларни сейсмик ва электр разведка қилиш ишлари.

## **Атроф мұхитга таъсир күрсатишининг III тоифасига кирадиган (паст даражада хавфли) фаолият турлари (\*\*\*)**

1. Туман ва шаҳар (Тошкент шаҳри бундан мустасно) аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари ва кўпприклар.
2. Автопарклар.
3. Автомобилга ёнилғи ва газ қуийш станциялари.
4. Нефть ва нефть маҳсулотларини сақлаш ҳажми бўйича III тоифадаги базалар.
5. Биогаз қурилмалари, биотехнологиялардан фойдаланувчи (шу жумладан пиллани қайта ишловчи) корхоналар.
6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар аҳамиятига эга бўлган ер ости сувларини чиқариш иншоотлари, шунингдек, сув чиқариш қудуқларини бурғулаш.
7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман аҳамиятига эга бўлган сув ўтказгичлар.
8. Туман ва шаҳар (Тошкент шаҳри бундан мустасно) аҳамиятига эга бўлган электр узатиш линиялари.
9. Туман ва шаҳар (Тошкент шаҳри бундан мустасно) аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари.
10. Қуввати 30 МВт ва ундан кам бўлган гидроэлектростанциялар.
11. Норуда фойдали қазилмаларни қайта ишлаш (фойдали қазилма конлари бундан мустасно) корхоналари.
12. Чорвачилик комплекслари.
13. Идоравий аҳамиятга эга бўлган темир йўллар.
14. Ҳайвонотчилик хўжаликлари ва питомниклар (норка, андатра, шиншилла ва бошқалар).
15. Суткалик иш унуми 50 минг куб метрдан кам бўлган канализация тозалаш иншоотлари.
16. Гилам ишлаб чиқариш корхонлари.
17. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва қадоқлаш корхоналари.
18. Хом ғишт, шлакоблок, йўлка плиткалари ва пеноблоклар ишлаб чиқариш корхоналари.
19. Терига ишлов бериш корхоналари (ошлиш ва бўяш бундан мустасно).
20. Секундига 50 куб метрдан кам сув ўтказадиган магистрал каналлар ва ҳар секундда лойиҳа бўйича ҳисобланган қуввати 20 куб метрдан кам бўлган коллекторлар.
21. Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ва сўйишиш (шу жумладан күшхоналар) корхоналари.
22. Мебель ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).
23. Ун ишлаб чиқариш корхоналари.
24. Корхона ва ташкилотларнинг нефть маҳсулотлари омборлари.
25. Аҳолиси 100 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари учун майший чиқиндилар полигонлари.

26. Жунни қайта ишлаш корхоналари (шу жумладан цехлари)..
27. Хавфлилик даражаси IV ва V синфга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва (ёки) ёқиш корхоналари.
28. Пахта толасини қайта ишлаш корхоналари.
29. Сутни қайта ишлаш корхоналари (шу жумладан цехлари).
30. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 300 тоннадан кам бўлган газмол ва қоғозни лок билан кимёвий тўйинтириш корхоналари.
31. Курилишда фойдаланиладиган пардозлаш материалларини ишлаб чиқариш, шунингдек, оҳак, гипс, шпаклевка ва бўр ишлаб чиқариш корхоналари (керамик плита ва санитария техник воситалар ишлаб чиқариш бундан мустсансо).
32. Резинотехника буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари.
33. Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари.
34. Омихта ем ишлаб чиқариш корхоналари.
35. Қаттиқ ва суюқ совун ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).
36. Салфетка, ҳожатхона коғози, тагликлар ва гигиеник воситаларни ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).
37. Полимер буюмлар ва синтетик материаллар, шу жумладан, ювиш ва тозалаш моддаларини ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).
38. Шишадан таркибида заҳарли моддалар бўлмаган буюмларни ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).
39. Чинни буюмларни ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).
40. Бўяш ва оқартириш цехлари бўлмаган йигирув ва тўкув фабрикалари.
41. Тайёр доривор воситаларни, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини (чой, туз, шакар ва бошқаларни) қадоқлаш корхоналари (шу жумладан цехлари).
42. Кўмир ва қўмир брикетларини ишлаб чиқариш корхоналари ва уларни сақлаш омборлари.
43. Сугориладиган ерларни реконструкция қилиш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш ишлари.
44. Двигатель ва машиналарни таъмирлаш, йиғиши, шунингдек, уларни бўяш корхоналари (металл қуиши ва эритиш ускунлари мавжуд корхоналар бундан мустсано).
45. Майдони 30 гектардан ортиқ бўлган балиқ урчиши ҳавзалари, шунингдек, балиқни қайта ишлаш комплекси.
46. 150 тадан ортиқ савдо ўрнига эга бўлган бозорлар ва савдо марказлари
47. Электр асбоб-ускуналарини йиғиши ва таъмирлаш, металлга ишлов бериш корхоналари (шу жумладан цехлари).
48. Сел сувини тўплаш омборлари.

49. Туман аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар, шу жумладан, ўғитлар омборлари ва заҳарли чиқиндиҳоналарни рекультивация қилиш ишлари.

50. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг маҳсус объектлари.

51. Босмахоналар.

52. Қуввати 100 МВтдан кам бўлган иссиқлик, шунингдек, фото, шамол электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари.

53. Трамвай-троллейбус парклари.

54. Хлораторлар.

55. Кимёвий тозалаш ва кир ювиш корхоналари (шу жумладан цехлари).

56. 50 тоннадан ортиқ сифимли совутгич қурилмалари.

57. Кальций карбиди ишлаб чиқариш цехлари.

58. Кимёвий моддалар билан маҳсулотларни ўрганиш марказий лабораториялар.

59. Овчилик ва балиқчилик хўжаликлари.

60. Ёввойи ҳайвонларни янги иқлимга мослаштириш ва дурагайлаш фаолияти.

61. Инерт газлар ишлаб чиқариш корхоналари (шу жумладан цехлари).

**Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб  
(маҳаллий таъсир кўрсатиш) фаолият турлари (\*\*\*\*)**

1. Автосервис пунктлари ва автомобилларни ювиш жойлари.

2. Пахта титиш цехлари.

3. Овчилик ва балиқчилик хўжаликлари.

4. Гилам тўқиши цехлари.

5. Ун тегирмонлари.

6. Тошга ишлов бериш цехлари.

7. Рекреация ва уй-жой-фуқаролик объектлари.

8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш корхоналари (шу жумладан цехлари).

9. Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш майдончалари.

10. Иситиш тизимида (табиий газ, кўмир ва бошқа ёнилғи турларида ишловчи) эга иссиқхоналар (шахсий ёрдамчи хўжаликлар бундан мусатасно).

11. Қорамол, йилқичилик, қўйчилик, чўчқачилик ва қуёнчилик фермалари.

12. Мебель йигишиш ва таъмиглаш цехлари.

13. 50 тоннадан кам сифимли совутгич қурилмаларига эга омборхоналар, озон қатламини бузувчи ва иссиқхона газларини ҳосил қилувчи моддаларни тўлдириш устахоналари.

14. Оптик толали ва бошқа кабелларни ўтказиш, мобиль алоқа учун елканли антеналарни ўрнатиш ишлари.

15. 50 тадан кам савдо ўрнига эга бўлган бозорлар ва савдо марказлари.

## **Изоҳ.**

1. *Халқаро молиявий ташкилотлар лойиҳалари A, B ва C тоифалари бўйича таснифи (\*- A тоифа, \*\*-B тоифа, \*\*\*-C тоифа, \*\*\*\* - C+ тоифа).*
2. Ушбу рўйхатга киритилмаган фаолият турлари давлат экология экспертизасидан ўтказилади, бунда мазкур фаолият турининг қайси тоифага мансублиги Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги эксперталар кенгаси томонидан тақдим этилган материаллар асосида ёки жойига чиқиб ўрганиши натижасида аниқланади.
3. Агар давлат экологик экспертизаси учун битта буюртмачи томонидан тақдим этилган материаллар комплекс ҳисобланса ва атроф муҳитга таъсир кўрсатадиган ҳамда битта саноат майдонида жойлашган турли тоифадаги бир қанча обьектлардан иборат бўлса, уларнинг атроф муҳитга таъсир кўрсатиши юқори тоифа бўйича белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 7 сентябрдаги 54-сон қарорига  
2-илова

## Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мажбурий давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиладиган материалларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомилларини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**атроф мұхиттә таъсир** – мўлжалланаётган, режалаштирилаётган фаолиятни амалга оширишнинг ва амалга оширилаётган фаолиятнинг атроф мұхит ва экологик хавфсизлик учун, шу жумладан, аҳоли соғлиғи, атроф табиий мұхит компонентлари учун ҳар қандай оқибатлари ва ушбу омилларнинг ўзаро боғланган алоқаси, шунингдек, ушбу омиллардаги ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ва маданий мерос объектларига таъсири;

**Атроф мұхиттә таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси** – атроф мұхиттә таъсирни баҳолаш жараёнининг биринчи босқичи ҳисобланади ва мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин ишлаб чиқиладиган материаллар;

**Атроф мұхиттә таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот** – атроф мұхиттә таъсирни баҳолаш жараёнининг иккинчи босқичи ҳисобланади, бунда атроф мұхиттә таъсирни баҳолаш жараёнининг биринчи босқичи давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши натижаларига кўра қўшимча тадқиқотлар, маҳсус таҳлиллар ўтказиш, атроф мұхиттә ва фуқаролар соғлиғига қўшимча равищда салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида ва бошқа ҳолатларда зарурлиги аниқланган бўлса, ишлаб чиқиладиган материаллар;

**атроф мұхиттә таъсир кўрсатишнинг I тоифага мансуб фаолият турлари** – ўз фаолияти натижасида атроф мұхиттә кўрсатадиган салбий таъсири юқори даражада хавфли бўлган, ушбу таъсирни олдини олиш ва камайтириш учун доимий равищда чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этадиган корхоналар, заводлар, фабрикалар, комплекслар, технологиялар, иншоотлар, обьектлар, қурилмалар ва бошқа фаолиятлар;

**атроф мұхиттә таъсир кўрсатишнинг II тоифага мансуб фаолият турлари** – ўз фаолияти натижасида атроф мұхиттә кўрсатадиган салбий таъсири ўртача даражада хавфли бўлган, ушбу таъсирни олдини олиш ва камайтириш учун маълум бир чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этадиган корхоналар, заводлар, фабрикалар, комплекслар, ташкилотлар, технологиялар, обьектлар, қурилмалар ва бошқа фаолиятлар;

**атроф мұхитга таъсир күрсатишининг III тоифага мансуб фаолият турлари** – ўз фаолияти натижасида атроф мұхитга күрсатадиган таъсири паст даражада хавфли бўлган, ушбу таъсирнинг олдини олиш учун айrim чоратадбирларни амалга ошириш талаб этадиган корхоналар, технологиялар, иншоотлар, объектлар, қурилмалар ва бошқа фаолиятлар;

**атроф мұхитга таъсир күрсатишининг IV тоифага мансуб фаолият турлари** – ўз фаолияти натижасида атроф мұхитга маҳаллий даражада таъсир күрсатадиган, ушбу таъсирнинг олдини олиш учун алоҳида чоратадбирларни амалга ошириш талаб этмайдиган цехлар, иншоотлар, объектлар, қурилмалар ва бошқа фаолиятлар;

**атроф мұхитга таъсирни баҳолаш** – мўлжалланаётган, режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф мұхитга потенциал таъсирининг хусусиятлари ва даражасини, кутилаётган экологик ва улар билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий оқибатларни аниқлашга ҳамда табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф мұхитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишига қаратилган тартибот;

**атроф мұхитга таъсирни баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи** – давлат экологик экспертизасига тақдим этиладиган материалларни ишлаб чиқувчи юридик ёки жисмоний шахс (кейинги ўринларда – ишлаб чиқувчи ташкилот);

**атроф мұхитга таъсирни баҳолаш материаллари** – мўлжалланаётган ва (ёки) режалаштирилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг атроф мұхитга таъсирни баҳолашда тайёрланадиган ва давлат экологик экспертизаси учун тақдим этиладиган хужжатлар тўплами;

**буюртмачи (ташаббускор)** – мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган фаолият бўйича хужжатларни ушбу фаолият турига қўйиладиган норматив-хуқуқий талабларга мувофиқ тайёрлашга масъул бўлган ҳамда уларни давлат экологик экспертизасига тақдим қиласидиган юридик ёки жисмоний шахс;

**давлат экологик экспертизаси** – мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини ва экологик экспертиза объектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мұхитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ихтинослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган экспертиза тури;

**мўлжалланаётган ва (ёки) режалаштирилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият** – табиий ресурслардан фойдаланиши, атроф табиий мұхит компонентларига салбий таъсир күрсатишини назарда тутувчи, ҳар қандай мўлжалланаётган ва (ёки) режалаштирилган фаолият;

**Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот** – атроф мұхитга таъсирни баҳолаш жараёнининг якуний босқичи бўлиб, тугалланган объект (реконструкция қилиш, модеренизация, кенгайтириш) фойдалинишга топширилгунга қадар атроф мұхитга таъсир этувчи экологик нормативларни белгилаш материаллари;

**экологик нормативлар** – атроф мұхитни ифлослантирувчи манбаларни хатловдан үтказиши натижалари асосида ишлаб чықылған ҳамда давлат экологик экспертизасидан үтиши лозим бўлган чиқиндилярнинг ҳосил бўлиши ва жойлашиши, ташламалар ва оқовалар меъёрларини белгилаш материаллари;

**экологик хавфсизлик талаблари** – табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини таъминлаш, атроф мұхитга ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсирининг олдини олишга қаратилған чора-тадбирлар.

3. Экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда үтказилади:

атроф мұхитга таъсирининг барча потенциал турларининг хусусияти ва хавфлилилк даражасини аниқлаш;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ва амалга оширилаётган атроф мұхитга салбий таъсир кўрсатувчи фаолиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини баҳолаш;

буюртмачи томонидан мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган фаолиятга тегишли қарорларни қабул қилишда ижтимоий афзалликларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;

атроф мұхитга минимал таъсир этган ҳолда табиатдан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш бўйича муқобил имкониятларни кўриб чиқиши;

атроф мұхитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асосланганлигини аниқлаш;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ва амалга оширилаётган фаолиятнинг атроф мұхит компонентларига ҳамда фуқаролар соғлиғига таъсирининг олдини олиш ва юмшатиш.

4. Қуйидагилар давлат экологик экспертизаси объектлари ҳисобланади:

давлат дастурлари ва концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

қурилишнинг барча турлари учун ер участкаларини танлаш ва ажратиш материаллари;

лоиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

техника, технологиялар, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар;

атроф табиий мұхитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар;

худудларга фавқулодда экологик вазият, экологик оғат зоналари ҳамда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар мақомини бериш мақсадида уларни комплекс текшириш материаллари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

махсус ҳукуқий режимга эга объектлар.

5. Мажбурий давлат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказиладиган фаолият турларининг белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатига мувофиқ буюртмачи маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Буюртмачининг хоҳишига кўра юқорида кўрсатилган рўйхатга киритилмаган фаолият тури бўйича давлат экологик экспертизаси ўтказилиши мумкин.

6. Давлат экологик экспертизасини ўтказишида:

тақдим қилинган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлигини текшириш;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини таҳлил қилиш;

биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф муҳитга таъсири асосли баҳоланганинги текшириш;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш оқибатларининг экологик хавфлилик даражаси тўғри баҳоланганинги текшириш;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлаш бўйича чоратадбирларнинг етарлилиги ва асосланганинги аниқлаш;

экологик нормативлар лойиҳаларининг асосланганинги текшириш амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) давлат экологик экспертизаси соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказишида ваколатли давлат органига қўйидаги функциялар юклатилади:

давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиши;

давлат ва жамоат экологик экспертизаси бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун эксперт ва мутахассисларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро эксперталарни жалб қилиш;

банк ва бошқа кредит ташкилотларига давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмаган обьектларни молиялаштириш, уларга кредит ажратиш ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиш (тугатиш) ҳақида тақдимномалар юбориш;

давлат экологик экспертизаси бўйича хулосалар бажарилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича тажриба алмашишда белгиланган тартибда бошқа мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

атроф муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан ишлаб

чиқилған материаллар ва лойиҳалар сифатини баҳолаш ҳамда ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг рейтингини шакллантириш;  
қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

## **2-боб. Давлат экологик экспертизасини ўтказишни ташкил қилиш**

8. Давлат экология қўмитасининг куйидаги ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари давлат экологик экспертизасини ўтказади:

Давлат экология қўмитаси хузуридаги Давлат экологик экспертизаси маркази (кейинги ўринларда – Давлат экологик экспертизаси маркази);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат экологик экспертиза марказлари (кейинги ўринларда – худудий давлат экологик экспертизаси маркази);

Давлат экология қўмитаси давлат экологик экспертизасининг ягона тизимини ташкил этувчи ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаларига услубий раҳбарлик қиласди.

9. Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари:

ушбу Низомнинг 4-бандида қайд этилган давлат экологик экспертизаси обьектларини давлат экологик экспертизасидан ўтказади;

объектларни атроф муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича тақдим этилган материаллар, экологик нормативлар, лойиҳалар ва бошқа хужжатлар асосида ўрганади, таҳлил қиласди, давлат экологик экспертизасидан ўтказади;

буюртмачи сўрови бўйича экологик экспертизанинг бориши ва унинг натижалари тўғрисида кўриб чиқиш муддати тамом бўлгандан кейин бир иш куни давомида хабардор қиласди;

давлат экологик экспертизаси хулосасини ушбу Низомда белгиланган тартибда беради.

10. Давлат экологик экспертизаси маркази куйидаги обьектлар бўйича:

атроф муҳитга таъсирни баҳолашда – лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши, техник қайта жиҳозланиши лозим бўлган ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектлар ёки атроф муҳитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган технологик жараённи ўзгартиришларни, атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори даражада хавфли (кейинги ўринларда – I тоифага мансуб) ва ўртacha даражада хавфли (кейинги ўринларда – II тоифага мансуб) фаолият турлари бўйича маҳсус ҳуқуқий режимга эга обьектларни;

I тоифага мансуб фаолият турлари бўйича атмосферага чиқариладиган ташламаларнинг, ер усти сув оқимлари ёки жой рельефига ифлослантирувчи моддалар оқоваларини оқизишининг, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда уларни жойлаштиришнинг йўл қўйиладиган чекланган экологик нормативлари лойиҳалари;

худудларга муҳофаза қилинадиган табиий худудлар, фавқулодда экологик вазият ҳамда экологик оғат зоналари мақомини бериш мақсадида уларни комплекс текшириш материаллари;

техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар;

давлат дастурлари ва концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқлари объектларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

аҳолиси сони 50 минг кишидан ортиқ бўлган лойиҳалаштириладиган объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатлар (техник регламентлар, шартлар, стандартлар, қоидалар ва йўриқномалар) лойиҳаларини давлат экологик экспертизасидан ўтказади.

11. Худудий давлат экологик экспертизаси марказлари қўйидаги объектлар бўйича:

атроф муҳитга таъсирни баҳолашда – атроф муҳитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг паст даражада хавфли (кейинги ўринларда – III тоифага мансуб) ва маҳаллий даражада таъсир кўрсатиш (кейинги ўринларда – IV тоифага мансуб) фаолият турларининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини, кенгайтирилиши, реконструкция қилиниши ва техник қайта жиҳозланиши лозим бўлган ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни ёки технологик жараёнларни ўзгартиришни;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг II ва III тоифасига мансуб фаолият турлари бўйича атмосферага чиқариладиган ташламаларнинг, ер усти сув оқимлари ёки жой рельефига ифлослантирувчи моддалар оқоваларини оқизишнинг, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда уларни жойлаштиришнинг экологик нормативлари лойиҳаларини;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларининг лойиҳаларини;

аҳолиси сони 50 минг киши ва ундан кам бўлган объектларнинг (шаҳарчалар, тураг жой даҳалари) шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказади.

12. Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари:

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва буюртмачилардан давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар, маълумотномалар, ахборот материаллари ва бошқа материалларни олиш;

давлат экологик экспертизасига тақдим этилган ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг норматив ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган материалларни буюртмачига қайтариш;

заруратга кўра давлат экологик экспертизасига тақдим этилган материалларнинг ишончлилигини объектнинг ўзига бориб аниқлаш хуқуқига эга.

13. Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари, шунингдек, эксперталар давлат экологик экспертизаси

тұғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ үз вақтида, комплекс, холисона ва сифатли үтказилишини таъминлаш учун масъулдир.

14. Атроф мұхитта таъсир күрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари объектлари қурилиши учун ер участкаларини танлаш, ажратиш материаллари, қурилиш ва ишга тушириш, технологик үзгартырларни үз ичига олган ишлаб чиқарышни кенгайтириш ва үзгартыриш билан боғлиқ лойихаолди ва лойиха хужжатлари белгиланған тартибда жамоатчилик әшитувларида құллаб-куватланған тақдирда давлат экологик экспертизасидан үтказилади.

15. Давлат экология құмитаси атроф мұхитта таъсир күрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари мураккаб объектларини давлат экологик экспертизасини үтказиш учун зарур ҳолларда хulosалари тавсия хусусиятига зәғінде болған малакали мутахассислар ва олимларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни шартнома асосида үз маблағлари ҳисобига жалб этиши мүмкін.

16. Давлат экологик экспертизасини үтказиш пайтида экспертилар үз фаолиятини мустақил ва амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалға оширади.

17. Давлат экологик құмитасининг ихтисослаштирилған экспертилар бўлинмалари фаолиятига услубий раҳбарликни амалга ошириш ҳамда экспертилар хulosаларининг холислиги ва асосланғанligини таъминлаш, шунингдек, буюртмачиларнинг давлат экологик экспертизаси органлари юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиши мақсадида Давлат экология құмитаси ҳузурида Давлат экология құмитаси, шунингдек, турли вазирликлар ва идораларнинг мутахассисларидан иборат доимий фаолият юритувчи экспертилар кенгаши ташкил қилинади.

Давлат экологик экспертизаси бўйича экспертилар кенгаши фаолияти ва унинг таркиби Давлат экология құмитасининг раиси томонидан тасдиқланадиган низом асосида тартибга солинади.

#### 18. Экспертлар кенгаши:

давлат экологик экспертизаси үтказилаётган объектларни фаолият турлари бўйича таснифлаш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этади;

давлат экология құмитасининг ихтисослаштирилған экспертилар бўлинмалари фаолиятига услубий раҳбарлик қиласи;

давлат экологик экспертизаси хulosаларининг экология ва атроф мұхитни муҳофаза қилиш тұғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

буюртмачиларнинг давлат экологик экспертизаси органлари юзасидан мурожаатларини кўриб чиқади;

экология ва атроф мұхитни муҳофаза қилиш тұғрисидаги норматив хужжатларнинг амалий қўлланиши жараёнида буюртмачилар ҳамда Давлат экология құмитасининг ихтисослаштирилған экспертилар бўлинмалари ўртасида юзага келувчи баҳсли масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қиласи.

19. Ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари ва давлат экологик экспертизаси буюртмачилари ўртасидаги баҳсли масалалар ва низолар эксперталар кенгаши томонидан шикоят аризаси берилган кундан эътиборан 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Шикоят аризаси кўриб чиқилгандан кейин 2 иш куни мобайнида эксперталар кенгаши томонидан йиғилиш баённомаси тайёрланади ва у бир иш куни мобайнида Давлат экология қўмитаси раҳбарияти томонидан имзоланган ҳолда тегишли худудий давлат экспертизаси марказига маълумот ёки ижро этишга, шунингдек, шикоят аризасини берган буюртмачига маълумот учун юборилади.

Эксперталар кенгаши томонидан кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат экологик экспертизасининг холосаси юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

20. Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари мураккаб объектларининг давлат экологик экспертизасини ўтказиш мақсадида Давлат экология қўмитаси раисининг буйруғи билан Давлат экологик экспертизаси маркази эксперт ходимларидан иборат эксперталар комиссияси тузилиши ва мазкур эксперт комиссияси таркибига мутахассислар ва олимлар, шу жумладан, турли вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Эксперт комиссиясининг иш натижалари Давлат экология қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган эксперт комиссиясининг жамловчи холосаси шаклида баён этилади.

### **3-боб. Материалларни давлат экологик экспертизасига тақдим этиш**

21. Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш Давлат экология қўмитасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат алмашиш тарзида амалга оширилади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари буюртмачи томонидан Давлат экология қўмитасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги шахсий кабинети орқали Давлат экология қўмитасининг тегишли ихтисослашган эксперт бўлинмасига жўнатилади.

Ариза буюртмачининг электрон рақами имзоси билан тасдиқланади.

22. Махсус хуқуқий режимга эга объектларнинг давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини қоғоз шаклида тақдим этишга йўл қўйилади.

Ушбу объектларнинг давлат экологик экспертизаси ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

23. Буюртмачи томонидан давлат экологик экспертизасига:

а) I, II, III тоифаларга мансуб фаолият турлари объектлари лойиҳалаштирилаётганда (лоиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг атроф

муҳитга таъсирини баҳолаш, шаҳарсозлик хужжатларининг барча турлари, маҳсус режимли объектлар) – атроф муҳитга таъсири баҳолаш бўйича:

объектни молиялаштиришга қадар мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган фаолият ва бошқа фаолиятни амалга ошириш босқичида бажариладиган атроф муҳитга таъсири баҳолаш тўғрисидаги ариза лойиҳаси;

атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот лойиҳасини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш натижалари бўйича қўшимча қидирув ишлари, тадқиқотлар, маҳсус лаборатория таҳлиллари, моделли тажрибаларни амалга ошириш ва далиллар билан асосланган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланган тақдирда амалга оширилайдиган атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот;

объект фойдаланишга қабул қилингунига қадар бажариладиган ва лойиҳалаштирилаётган объектларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг якунловчи босқичи ҳисобланган экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот тақдим этилади.

Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот давлат экологик экспертизаси обьектининг техник-иқтисодий асосланиши тасдиқлангунига қадар тақдим этилади. Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнотни ишлаб чиқиш зарурати атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот лойиҳасини кўриб чиқиш натижалари асосида Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаси томонидан белгиланади.

б) амалда фаолият кўрсатаётган объектлар учун (атроф табиий муҳитнинг ҳолатига ва фуқароларнинг соғлигига салбий таъсири кўрсатаётган ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар) экологик нормативлар лойиҳалари тақдим этилади.

Агар амалда фаолият кўрсатаётган обьект реконструкция, модернизация қилинган, қайта ташкил этилган, кенгайтирилган ёки жойлашуви ўзгартирилган тақдирда атроф муҳитга таъсири баҳоланади ва атроф муҳитга таъсири баҳолаш тўғрисидаги ариза лойиҳаси ишлаб чиқилади ва давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этилади.

Бунда агар обьектда экологик аудит ўтказилган бўлса, буюртмачи қўшимча экологик аудит материалларини тақдим этиш хукуқига эга.

в) бошқа объектлар бўйича:

давлат дастурлари, концепциялар, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий хужжатлар (техник регламентлар ёки экологик меъёрлар, қоидалар, йўриқномалар) лойиҳалари;

техника, технология, материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир хужжатлар;

худудларга кейинчалик муҳофаза этиладиган худудлар ва фавқулодда экологик вазият ҳамда экологик оғат зоналари мақомини бериш мақсадида

уларни комплекс ўрганиш материаллари, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш режалари лойиҳалари юзасидан ишлаб чиқилган хужжатлар тақдим этилади.

24. Буюртмачи томонидан давлат экологик экспертизасига тақдим этилган I, II, III тоифаларга мансуб фаолият турлари учун атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари таркибида куйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнот лойиҳаси бўйича:  
ташаббускор (Ф.И.О.) ва ишлаб чиқувчи (номи, паспорт/гувоҳнома/  
ID-карта маълумотлари, СТИР) тўғрисида умумий маълумотлар;

мўлжалланаётган фаолиятни амалга оширишга қадар атроф муҳитнинг ҳолати, шу жумладан, фаолият режалаштирилаётган худудда ахолининг жойлашганлиги, атмосфера ҳавоси, ер усти, ер ости ва оқова сувларнинг ҳолати ва ифлосланганлик даражаси, доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга ажратилган ерларнинг хусусиятлари ҳамда уларнинг ифлосланиши, ландшафтларнинг бузилиши, иқлим, геологик, гидрологик, гидрогеологик ва бошқа табиий шароитларнинг, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, рекреация зоналари ва муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва бошқа атроф муҳит хусусиятларининг тавсифи;

объектнинг жойлашиши ҳамда танланган ва муқобил жойларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши схемаларига мувофиқлигини асослаш;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб объектлар бўйича жамоатчилик томонидан лойиҳани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги жамоатчилик эшитуви хулосаси ҳамда лойиҳани жамоатчилик эшитувидан ўтказишида тушган таклифлар ва эътиrozлар;

атроф муҳитга таъсир бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳажми, таъсир кўрсатишни баҳолаш олиб борилган жараёнда фойдаланилган ахборот манбалари (ер ресурслари, иқлим, атмосфера ҳавоси ҳолати, геоморфологик, геологик, гидрологик, гидрогеологик шароитлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, аҳоли саломатлиги, тупроқ, археологик, тарихий ва маъданий хусусиятлар);

объектнинг географик координаталари, унга туташ бўлган рекреация зоналар, аҳоли пунктлари, ирригация, мелиорация объектлари, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари, электр узатиш линиялари, транспорт, сув ва газ қувурлари ҳамда бошқа коммуникациялар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган схема-харита;

курилиши ва (ёки) ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган асосий ва ёрдамчи объектлар, фойдаланиладиган техника, технология, табиий ресурслар, материаллар, хомашё, ёнилғи маҳсулотлари ҳамда уларнинг атроф муҳитга таъсири таҳлили;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг тури ва йиллик қуввати;

атмосфера ҳавосига чиқариладиган ташланмалар ҳамда оқова сувларнинг кутилаётган таркиби ва ҳажми, ҳосил бўладиган чиқиндиilar морфологияси ва ҳажми, шунингдек, уларнинг атроф муҳитга салбий таъсири ва уларни камайтириш усуллари;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки реконструкция ва модернизация қилинаётган, қайта ташкил этилаётган, кенгайтирилаётган фаолиятнинг муқобиллари ва технологик ечимларининг фан, техника ютуқлари ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан таҳлили;

салбий экологик оқибатларни истисно этувчи ва давлат экологик экспертизаси объектининг атроф муҳитга таъсирини камайтирувчи ташкилий, техник, технологик ечимлар ва чора-тадбирлар;

ҳалокат натижасида атроф муҳитга салбий таъсирга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар таҳлили (ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олиш сценарийси);

давлат экологик экспертизаси объектини реализация қилиш натижасида атроф муҳитнинг ўзгариши ва экологик оқибатларнинг прогнози;

атроф муҳитга таъсир этадиган манбалар, уларнинг турлари, ушбу таъсир чегаралари, интенсивлиги ва давомийлиги тўғрисида маълумот;

ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланиш доираси, уларга қўйилган чекловлар, шунингдек, маҳсулотларнинг моддий ёки маънавий эскириши туфайли истеъмол хусусиятлари йўқолганда уларни заарсизлантириш ёки улардан фойдаланиш усусларини кўрсатган ҳолда хавфсизликни таъминлаш дастурлари.

б) атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнот бўйича:

муҳандислик-геология қидирув ишлари, моделли ва бошқа зарур тадқиқотлар натижаларига ажратилган майдонларнинг экологик холатини баҳолаш;

атроф муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

майдонларнинг экологик холатини сақлаб қолиши мақсадида қўлланиладиган технологиянинг атроф муҳитнинг бошқа компонентларига таъсирининг экологик таҳлили;

жамоатчилик эшитувларининг ижобий хулосаси, жамоат эшитувлари давомида берилган таклиф ва эътиrozларнинг кўриб чиқилиши натижалари ҳақида маълумот;

давлат экологик экспертизаси объектини реализация қилишда салбий оқибатларнинг олдини олиш юзасидан илмий асосланган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари;

в) экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот бўйича:

Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан атроф муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнотнинг лойиҳасини кўриб чиқиши натижалари, шунингдек, жамоатчилик фикрини эшитишда киритилган таклифлар бўйича лойиҳа қарорларига тузатиш киритиш ва қабул қилинган бошқа чора-тадбирлар;

мавжуд маълумотлар, шунингдек, қиёсий таҳлил натижаларига, эксперт баҳоларига, олдинги тажрибалар таҳлилига асосланган атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг асословчи материаллари;

давлат экологик экспертизаси объектларининг атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалари жойлашуви схемаси;

давлат экологик экспертизаси объекти фаолиятини тартибга солувчи экологик нормативлар;

давлат экологик экспертизаси объектидан фойдаланишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар;

хўжалик фаолиятини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги асосий хулосалар;

давлат экологик экспертизаси объектидан фойдаланиш давомида экологик мониторинг олиб боришни ташкил этиш ва ўтказиш жадвали.

25. Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб фаолият турлари объектларининг давлат экологик экспертизаси буюртмачилар томонидан ҳудудий давлат экологик экспертизаси марказларига тақдим этиладиган атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги анкета (кейинги ўринларда – анкета) асосида ўтказилади.

Анкета буюртмачи томонидан электрон шаклда Давлат экология қўмитасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида шахсий кабинети орқали тўлдирилади ва тегишли ҳудудий давлат экологик экспертизаси марказига юборилади.

26. Давлат экологик экспертизаси маркази ёки ҳудудий давлат экологик экспертизаси марказлари бир кун ичida давлат экологик экспертизасига ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қиласида ва ҳужжатлар тўлиқ бўлганда давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласида ҳамда буюртмачига электрон почта орқали экологик экспертизани ўтказиш бўйича шартномани юборади.

Агар атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I, II ва III тоифаларига мансуб фаолият турлари объектларининг ҳужжатлари ушбу Низомнинг 24 ёки 25-банди талаблари жавоб бермаса, бу камчиликлар тўғрисида буюртмачи дарҳол электрон почта ёки телефон алоқаси орқали хабардор қилинади.

Буюртмачи ушбу камчиликларни ўн календарь кунда бартараф этиши лозим, акс ҳолда давлат экологик экспертизаси органлари ҳужжатларни Давлат экология қўмитасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали буюрмачининг электрон почта манзилига қайтаради.

Буюртмачи ушбу Низомнинг 24 ёки 25-бандига мувофиқ экологик экспертиза хулосасини олиш мақсадида тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

27. Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативлар лойиҳалари атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги малакали мутахассисларга эга бўлган ишлаб чиқувчи ташкилотлар ёки буюртмачининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги малакали мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади.

28. Қурилишнинг барча турлари учун ер участкаларини танлаш ёки ажратиш материаллари лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг атроф

муҳитга таъсирини баҳолаш билан биргалиқда давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

29. Лойиҳалашнинг кейинги босқичларида атроф муҳитга таъсири баҳолаш натижалари лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари давомида олинган маълумотлар, шунингдек, ишлатилган асбоб-ускуналарнинг хусусиятлари, технологик жараёнлар ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

30. Атроф муҳитга таъсири баҳолаш материалларини ва экологик нормативларни давлат экологик экспертизасидан ўтказишида экологик аудит ва жамоатчилик экологик экспертизаси хulosаларидан фойдаланиш мумкин.

#### **4-боб. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари**

31. Давлат экологик экспертизаси:

атроф муҳитга таъсири кўрсатишининг I тоифасига мансуб фаолият турлари обьектлари учун – 20 календарь кундан ортиқ бўлмаган;

атроф муҳитга таъсири кўрсатишининг II тоифасига мансуб фаолият турлари обьектлари учун – 15 календарь кундан ортиқ бўлмаган;

атроф муҳитга таъсири кўрсатишининг III тоифасига мансуб фаолият турлари обьектлари учун – 10 календарь кундан ортиқ бўлмаган;

атроф муҳитга таъсири кўрсатишининг IV тоифасига мансуб фаолият турлари обьектлари учун 5 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатларда ўтказилади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати экспертиза учун ҳақ тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тақдим этилган иш кунидан бошлаб ҳисобланади.

Агар ҳақ тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати дам олиш кунлари тақдим этилган бўлса, давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати дам олиш кунидан кейинги иш кунидан бошлаб ҳисобланади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати обьектнинг мураккаблигига қараб давлат экология қўмитаси раисининг буйруғига мувофиқ икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

#### **5-боб. Давлат экологик экспертизаси иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

32. Буюртмачи:

экологик экспертиза ўтказиш масалалари бўйича маслаҳатлар ва зарур услугубий ёрдам олиш;

экологик экспертиза экспертларига экологик экспертиза обьектлари хусусида таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришлар ва экологик аудит натижаларини тақдим этиш;

қўшимча экологик экспертиза ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш;

экологик экспертиза ўтказилишининг бориши ҳақида маълумот олиш хуқуқига эга.

33. Буюртмачи:

давлат экологик экспертизаси учун материалларни қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқ тақдим этиши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

атроф муҳитга таъсирни баҳолаш ўтказилиши учун зарур бўлган барча тадқиқотларни молиялаштиришни таъминлаши;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари объектларининг атроф муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларини ташкил этиши ва мўлжалланаётган фаолиятни муайян ҳудудда амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида жамоатчилик таклифларини ҳар томонлама ўрганишни ҳамда таъсир кўрсатишни баҳолашни ўтказиш жараёнида жамоатчилик иштирокини таъминлаши;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари объектларининг атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги эълонлар оммавий ахборот воситаларида берилишини ташкил этиши;

давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талабларни бажариши шарт.

34. Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар:

буортмачи томонидан берилган ишончнома асосида давлат экологик экспертизасини ўтказишида буортмачининг манфаатларини ифода этиш;

экологик экспертиза ўтказиш масалалари бўйича Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаларидан маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш;

экологик экспертиза экспертларига экологик экспертиза объектлари хусусида таклифлар ва мулоҳазалар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

35. Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар:

атроф муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи мутахассислар малакасини оширишни таъминлаши;

асословчи ҳужжатларни тайёрлашда экология шароитлари ва талабларини ҳисобга олиши;

таъсир кўрсатишни баҳолашни ўтказиши лозим.

36. Давлат экологик экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўладиган ахборот ва материалларни олиш;

қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган давлат экологик экспертизасига тақдим қилинган материалларни белгиланган тартибда рад этиш;

давлат экологик экспертизаси хулосасига илова қилинадиган, давлат экологик экспертизаси обьекти бўйича алоҳида фикр билдириш ҳуқуқига эга.

37. Давлат экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя қилиши;

давлат экологик экспертизаси ўз муддатида, ҳар томонлама, сифатли ўтказилишини ва белгиланган тартибда хulosалар берилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизаси обьекти билан боғлиқ шахсий манбаатлар мавжуд бўлса, ўзини четлатиш тўғрисида ўз раҳбарига мурожаат этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг тўлиқ сақланишини ва давлат, ҳарбий, ички ва тижорат сирларини ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши лозим.

38. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш иштирокчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

39. Давлат экологик экспертизаси маркази томонидан атроф муҳитга таъсири баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳалари ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан сифатли материаллар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишиңи қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур ташкилотларнинг рейтинги шакллантирилиб, Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтида очиқ жойлаштириб борилади.

Мазкур рейтинг ҳар чоракда янгиланиб борилади.

## **6-боб. Давлат экологик экспертизасининг хulosаси**

40. Давлат экологик экспертизаси эксперти томонидан материалларни кўриб чиқиши натижаси бўйича давлат экологик экспертизасининг хulosаси тайёрланади ва ушбу хulosса экспертиза обьекти, технологик жараёнлар, ишларни ташкил этиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирлар, обьектнинг фаолияти (реализацияси) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган салбий экологик оқибатлар тўғрисидаги зарур маълумот ва экспертиза обьекти лойиҳасини амалга ошириш мумкинлиги (ижобий хulosса) ёки мумкин эмаслиги (салбий хulosса) тўғрисидаги хulosаларни ўз ичига олади.

41. Давлат экологик экспертизасига тақдим этилган ҳужжатлар таркиби ёки мазмунининг мазкур Низом талабларига ёки бошқа норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, буюртмачига материаллар асосланган сабабларга кўра мос келмаслиги ҳақида хulosса берилади.

42. Буюртмачи томонидан ушбу Низомнинг 24 ва 25-бандларида белгиланган талабларга мос равища ҳужжатлар тақдим этилган бўлса-да, уларни ўрганиш давомида эксперт томонидан ҳисоб-китоблар, шунингдек, фойдаланиладиган техника, технология, табиий ресурслар, материаллар, хомашё, ёнилғи маҳсулотлари ҳамда уларнинг атроф муҳитга таъсири таҳлили нотўғри амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда буюртмачига унинг тақдим этган материаллари ва экологик нормативлар лойиҳалари асосланган хulosса билан қайта ишлашга қайтарилади.

Бу ҳолатда буюртмачи томонидан давлат экологик экспертизаси учун ўтказилган маблағлар қайтарилмайди.

43. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosалари қуйидаги талабларга риоя этилишига асосан берилади:

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган объектнинг атроф мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик нормаларига тўғри келиши ва аҳоли саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, муҳофаза этиладиган ҳудудлар режими, чучук сув ҳосил бўлиш ҳудудлари, фавқулодда экологик вазият ҳамда экологик оғат зоналари ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслиги;

мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган объектларда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда ҳосил бўладиган оқова сувлар тўғрисидаги маълумотлар ва йўриқномалар амалдаги норматив-хукукий ҳужжатлар талабалари асосида ишлаб чиқилганлиги;

атроф мухитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб объектлар бўйича жамоатчилик томонидан лойиҳани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги жамоатчилик эшитуви хulosаси ҳамда лойиҳани жамоатчилик эшитувидан ўтказища тушган таклиф ва эътиrozлар инобатга олинганлиги;

атмосфера ҳавоси, ер усти, ер ости ва оқова сувларнинг ҳолати ҳамда ифлосланганлиги даражаси, геологик, гидрологик, гидрогеологик маълумотларни тасдиқлаб берувчи тегишли корхона ва ташкилотларнинг хulosалари билан асосланган атроф мухитни муҳофаза қилишга қаратилган технологик ечимлар ва чора-тадбирларнинг етарлилиги;

Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда фаолиятни амалга ошириш учун тегишли ташкилотлар билан ўз ваколатлари доирасида келишиш ҳужжатларининг мавжудлиги ҳисобга олинади.

44. Давлат экологик экспертизаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом бандлари ёки бошқа норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқлиги аниқланиши давлат экологик экспертизасининг салбий хulosаси берилишига сабаб бўлади.

45. Агар буюртмачи қайтариленган материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини 60 календарь кундан ортиқ бўлмаган давр ичida қайта ишлаб чиқиб, давлат экологик экспертизасидан ўтказиша тақдим этса, экспертизадан ўтказиш учун ҳақ олинмайди ва тегишли харажатлар буюртмачи томонидан дастлабки ўтказилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

46. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун қайтариленган материаллар ва экологик нормативлар тақороран фақат бир марта киритилади, иккинчи марта киритилган ҳужжатлар мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ умумий асосда кўриб чиқилади.

47. Давлат экологик экспертизасининг хulosаси атроф мухитга таъсирни баҳолаш учун уч йил муддатга, экологик нормативлар лойиҳалари учун беш йил муддатга берилади.

48. Буюртмачи томонидан қайта ишлаб чиқилган атроф мухитга таъсирни баҳолаш материалларини қайта кўриб чиқиш муддатлари:

атроф мұхиттә таъсир күрсатишининг I тоифасига мансуб фаолият турлари объектлари учун – 10 календарь кундан;

атроф мұхиттә таъсир күрсатишининг II тоифасига мансуб фаолият турлари объектлари учун – 7 календарь кундан;

атроф мұхиттә таъсир күрсатишининг III тоифасига мансуб фаолият турлари объектлари учун – 5 календарь кундан;

атроф мұхиттә таъсир күрсатишининг IV тоифасига мансуб фаолият турлари объектлари учун – 3 календарь кундан ошмаслғи керак.

Давлат экология құмитаси ихтисослаштирилған экспер特 бўлинмалари томонидан буюртмачига биринчи марта тақдим этилган материаллар ва экологик нормативлар лойиҳалари учун берилған мулоҳазалардан бошқа мулоҳазалар юборишга йўл қўйилмайди.

Буюртмачи давлат экологик экспертизасига материалларни қайта тақдим этиш учун экспертиларнинг барча мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда камчиликларни атроф мұхиттә таъсирни баҳолаш материалларида бошқа маълумотларни ўзгартирмасдан бартараф этиши лозим.

Агар буюртмачи томонидан атроф мұхиттә таъсирни баҳолашнинг қайта ишлаб чиқиши учун қайтарилилған материаллари қайта ишлаб чиқилмаган ҳолда тақдим этилса, Давлат экология құмитаси экологик экспертиза органлари томонидан унга салбий хулоса берилиши мумкин.

Бу ҳолатда буюртмачи давлат экологик экспертизасининг салбий хулосасини олгандан кейин атроф мұхиттә таъсирни баҳолашнинг қайта ишлаб чиқилған материаллари бўйича умумий асосларда давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун қайта мурожаат қилишга ҳақли.

49. Давлат экологик экспертизаси марказининг хулосаси буюртмачи ва объект жойлашган тегишли ҳудуд бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф мұхитни мухофаза қилиш құмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф мұхитни мухофаза қилиш бошқармаларига, шунингдек, ҳудудий экологик экспертиза марказининг хулосаси буюртмачи ҳамда экология ва атроф мұхитни мухофаза қилиш соҳасини назорат қилиш бўйича тегишли туман (шаҳар) инспекцияларига электрон шаклда Давлат экология құмитасининг ахборот тизими орқали юборилади.

50. Давлат экологик экспертизасининг салбий хулосасини олган буюртмачи лойиҳани хулосадаги мавжуд таклифга мувофиқ пухта ишлаб чиқиши ва материалларни давлат экологик экспертизасига тақороран тақдим этиши ёхуд мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятдан воз кечиши мумкин.

51. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини реализация қилишда банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молиялаштириш бошланиши учун асос ҳисобланади.

52. Давлат экологик экспертизаси марказининг хулосаси Давлат экология құмитасининг, ҳудудий экологик экспертиза марказларининг хулосалари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф мұхитни

муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг расмий бланкасида расмийлаштирилади.

Хулоса давлат экологик экспертизасини ўтказган эксперт ва (ёки) эксперт комиссияси раҳбари томонидан имзоланади ва тегишли равишда Давлат экология қўмитасининг раиси, экология ва атроф мухитни муҳофаза қилувчи худудий органлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

53. Агар экспертиза обьекти давлат экологик экспертизасининг хулосаси берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида реализация қилинмаса, давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси юридик кучга эга бўлмайди. Ушбу ҳолатда давлат экологик экспертизасининг хулосаси аввал бундай хулосани берган Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан қайта кўриб чиқилиши керак.

Экспертиза обьектини реализация қилиш учун уч йилдан ортиқ вақт керак бўлган ҳолларда, обьектни реализация қилиш мумкинлиги ҳақидаги хулоса икки йилга узайтирилади.

54. Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари давлат экологик экспертизасига тақдим этилган материалларнинг сақланишини ҳамда давлат, ҳарбий, хизмат ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилмаслигини таъминлайди.

Буюрмачи томонидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим қилинган атроф мухит таъсирни баҳолаш материалларининг электрон нусхаси Давлат экология қўмитасининг давлат экологик экспертизасини ўтказган ихтисослаштирилган эксперт бўлинмасида сақланади.

### **7-боб. Давлат экологик экспертизаси хулосасини қайта расмийлаштириш ва амал қилишини тўхтатиш**

55. Буюртмачи қайта ташкил этилган, унинг номи ўзгартирилган ёки ваколатлари ҳукуқий ворисга берилган ҳолларда буюртмачи ёки унинг ҳукуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан сўнг етти календарь кун давомида Давлат экология қўмитасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида маҳсус шаклдаги давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштириш ҳақида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ариза тўлдирилиб тақдим этилиши лозим.

Давлат экологик экспертизаси хулосасини қайта расмийлаштириш учун ҳақ ундирилмайди.

56. Электрон шаклдаги ҳужжатлар Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган бўлинмаларига буюртмачи томонидан бевосита ёки уларнинг олингандилиги тўғрисидаги билдиришнома билан бирга почта алоқаси воситаси орқали ёхуд электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар буюртмачининг электрон имзоси билан тасдиқланади.

57. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиши:

буюртмачи давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиши тўхтатилгани ҳақида ариза билан мурожаат қилганда;

буортмачининг фаолияти тугатилган ёки тўхтатилган вақтдан бошлаб, қайта ўзгартирилган ҳоллар бундан мустасно;

суд қарори асосида буортмачи томонидан давлат экологик экспертизаси хulosасида назарда тутилган экологик талабларга риоя этилмагандা;

давлат экологик экспертизаси хulosасининг амал қилиш муддати тугаганда;

қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда тўхтатилади.

Давлат экологик экспертизаси хulosаси амал қилишининг тўхтатилиши ҳақидаги суд қарори буортмачига ва ваколатли органга қонун хужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

### **8-боб. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун ҳақ тўлаш**

58. Лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатлари, атроф табиий муҳитнинг ҳолатига ва фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектлар, маҳсус ҳукуқий режимли обьектлар давлат экологик экспертизасидан ўтказилганлиги учун ҳақ тўлаш миқдори уларнинг қўйидаги тоифаларга мансуб фаолият турлари бўйича атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиши тоифаларига мувофиқ:

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига мансуб фаолият турлари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараварини;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифасига мансуб фаолият турлари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараварини;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг III тоифасига мансуб фаолият турлари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 7,5 бараварини;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб фаолият турлари учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 бараварини ташкил этади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ҳамда йўриқнома-услубий хужжатлар лойиҳаларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тегишли тоифадаги обьектни давлат экологик экспертизасидан ўтказишга тўланадиган тўловнинг 30 фоизи миқдорида ҳақ белгиланади.

Агар давлат экологик экспертизаси учун битта буортмачи томонидан тақдим этилган атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари комплекс ҳисобланса ва атроф муҳитга таъсир кўрсатадиган ҳамда битта саноат майдонида жойлашган турли тоифадаги бир қанча обьектлардан иборат бўлса, давлат экологик экспертизасидан ўтказганлик учун тўлов уларнинг атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори тоифасига тегишли бўлганида ундирилади.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи обьектлар худудий жиҳатдан бир-биридан узоқдаги саноат майдончаларида жойлашган тақдирда, давлат экологик экспертизаси материаллари ҳар бир саноат майдончаси учун алоҳида ишлаб чиқилади ва давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилади.

Объектларнинг бир-биридан узоқда жойлашганлиги атроф мухит ифлосланишига биргаликда таъсир кўрсатмаслиги билан тавсифланади.

Ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш концепциялари, схемаларининг лойиҳалари, 50 мингдан ортиқ киши истиқомат қилиши лойиҳалаштирилаётган объектлар учун шаҳарсозлик ҳужжатлари, ҳудудларга кейинчалик муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик оғат зоналари мақомини бериш мақсадида уларни комплекс ўрганиш материаллари давлат экологик экспертизасидан ўтказилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида ҳақ белгиланади.

Техника, технологиялар, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасидан ўтказилганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида ҳақ белгиланади.

50 минг ва ундан кам аҳоли истиқомат қилиши лойиҳалаштирилаётган объектлар учун шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида ҳақ белгиланади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш давлат дастурлари, концепциялари ва схемаларининг, шунингдек, давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари давлат экологик экспертизасидан ўтказилганлиги учун ҳақ тўланмайди.

59. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун буюртмачи томонидан банкларнинг электрон тўлов тизимлари орқали белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

60. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун 30 календарь кун мобайнида ҳақ тўланмаган тақдирда, Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаси давлат экологик экспертизасини ўтказишга тақдим этилган материалларни буюртмачига қайтаради.

61. Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари фаолияти давлат экологик экспертизасини ўтказиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома бўйича бажариладиган бошқа ишларни бажариш билан боғлиқ харажатларни тўлашдан тушадиган маблағлар ҳисоби молиялаштирилади ҳамда бу маблағлардан Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари ходимларига иш ҳақи тўлаш, асосий воситаларни сотиб олиш, моддий-техник базани ривожлантириш, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва бошқа харажатларни тўлаш, шу жумладан, жалб этиладиган мутахассислар хизматига ҳақ тўлаш учун фойдаланилади.

## **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

62. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

63. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби  
**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Буюртмачи	Мўлжалланган, режалаштирилаётган ва амалга оширилаётган хўжалик фаолияти материалларини Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаларига Интернет жаҳон ахборот тармоғида орқали тақдим қиласди.	зарур бўлганда
2-босқич	Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари	Тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 24-бандига мувофиқлиги ва атроф мухитга таъсир бўйича тоифа тўғри аниқланганлиги юзасидан кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижалари бўйича: хужжатлар мувофиқ бўлганда – тўловни амалга ошириш мумкинлигини тасдиқлаб беради; хужжатлар мувофиқ бўлмаган тақдирда – қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва бу ҳақда буюртмачини хабардор қиласди.	1 иш кунидан
3-босқич	Буюртмачи	Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун ушбу Низомнинг 58-бандида белгиланган тўловни амалга оширади.	5 кун ичида
4-босқич	Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари	1. Давлат экологик экспертизаси эксперталари томонидан тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилиб, уларнинг натижаси ижобий бўлганида давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosаси тайёрланади ва буюртмачининг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади. 2. Кўриб чиқиш натижасида камчиликлар аниқланган тақдирда, камчиликларни бартараф этган ҳолда лойиҳани қайта ишлаб чиқиш ҳақида жавоб тайёрланаб, буюртмачининг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.	I тоифа – 20 кун II тоифа – 15 кун III тоифа – 10 кун IV тоифа – 5 кун
5-босқич	Буюртмачи	Лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиб, тегишли ҳужжатларни электрон шаклда тўловсиз қайта тақдим қиласди.	60 кун ичида
6-босқич	Давлат экология қўмитасининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари	Давлат экологик экспертизаси эксперталари томонидан қайта тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилиб, уларнинг натижасида қўйидаги хulosалардан бири қабул қилинади: давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosаси тайёрланади ва буюртмачининг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади; ложиҳани рад этиш ҳақида давлат экологик экспертиза хulosаси тайёрланади ва буюртмачининг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.	I тоифа – 10 кун II тоифа – 7 кун III тоифа – 5 кун IV тоифа – 3 кун

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон карорига  
3-илова

## **Атроф мұхитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларидан ўтказиш тартиби түғрисида низом**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат экологик экспертизаси ўтказилгунга қадар мүлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган атроф мұхитга таъсир кўрсатишининг юқори даражада хавфли (кейинги ўринларда – I тоифага мансуб) ва ўртача даражада хавфли (кейинги ўринларда – II тоифага мансуб) фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказиши (кейинги ўринларда – жамоатчилик эшитуви) тартибга солади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**манфаатдор томонлар** – қулай атроф мұхитга бўлган хуқуқ ва қонуний манфаатларига мүлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти натижасида таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар;

**буюртмачи** – юридик ва жисмоний шахс, мүлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолияти ташаббускори ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти раҳбари;

**жамоатчилик эшитуви** – атроф мұхитга салбий таъсир кўрсатадиган мүлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги бўйича қарор қабул қилинишини мұхокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш;

**экологик жиҳатлар** – мүлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган фаолиятнинг атроф мұхитга таъсир кўрсатувчи элементлари.

3. Жамоатчилик эшитувига атроф мұхитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб мүлжалланаётган ва режалаштирилаётган хўжалик фаолиятининг техник хусусияти бўлмаган ҳамда қуйидагиларни ўз ичига оладиган резюме (кейинги ўринларда – лойиҳа) тақдим қилинади:

фаолиятнинг қисқача тавсифи;

техннологик ечимлар ва тадбирларни жойлаштиришининг муқобил варианлари;

атроф мұхитнинг жорий ҳолати, ижтимоий-иктисодий шароитларнинг қисқача баҳоси;

ложиҳани амалга ошириш натижасида атроф мұхитга салбий таъсир манбалари ва турларининг қисқача таърифи;

атроф мұхит ҳолатининг, ижтимоий-иктисодий шароитларнинг мүмкін бўлган ўзгаришлари прогнози ва баҳоси;

лойиҳа ва лойиҳадан ташқари авария ҳолатлари прогнози ҳамда баҳоси;

салбий таъсирнинг олдини олиш, минималлаштириш ва (ёки) ўрнини тўлдириш бўйича чора-тадбирлар;

мүмкін бўлган сезиларли салбий трансчегаравий таъсирлар баҳоси (трансчегаравий таъсир этиш ҳолатларида).

4. Жамоатчилик этишитуви атроф мұхитга ва аҳоли соғлиғига узлуксиз салбий таъсир кўрсатаётганлиги юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳақли шикоятларига сабаб бўлган ҳолатларда амалда фаолият кўрсатаётган I ва II тоифаларга мансуб фаолият турлари бўйича ўтказилиши мүмкін.

Агар амалда фаолият кўрсатаётган I ва II тоифаларга мансуб фаолият турларида технологик жараён кенгайтирилмаган ёки тўлиқ реконструкция қилинмаган ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланмаган ҳамда экологик нормативларга эга бўлса, ушбу Низом талаблари татбиқ этилмайди, бундан ушбу банднинг биринчи хатбошисида келтирилган ҳолат мустасно.

5. Жамоатчилик эшитуви, мұхокама қилинаётган масалага алоқадор бўлган ва махфий маълумотларни ўз ичига олмайдиган ҳужжатли маълумотларни ўрганиш асосида, мұхокама қилинаётган масала бўйича барчанинг ўзларининг асосли фикрларини билдириш ҳуқуқи тенглилигини назарда тутади.

6. Жамоатчилик эшитуви иштирокчилари қуидагилар ҳисобланади:

манфаатдор томонлар;

нодавлат нотижорат ташкилотлар;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда – ОАВ).

Экология ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш органлари вакиллари жамоатчилик эшитувларида кузатувчи сифатида қатнашадилар.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси ҳисобланади.

7. Жамоатчилик эшитуви ўтказиш билан боғлиқ харажатлар буюртмачи маблағлари ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

## **2-боб. Жамоатчилик эшитувини ўтказишни ташкил этиш**

8. Буюртмачи жамоатчилик эшитувини ўтказиш учун техник хусусияти бўлмаган резюме илова қилинган аризани тегишли равища Давлат экология қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш бошқармаларига (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси ҳудудий органи) жўнатади.

9. Давлат экология құмитаси худудий органды олган вақтдан бошлаб икки иш куни мобайнида объект жойлашған худудни, шунингдек, мүлжалланаётган ёки режалаштирилаётган фаолият натижасыда атроф мұхитта салбай таъсир хавфи юқори бўлған ёки амалга оширилаётган фаолият бўйича атроф мұхитни юқори даражада ифлослантираётган худудни ҳисобга олган ҳолда тегишли жамоатчилик эшитуви ташкилотчисига жўнатади.

10. Жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси аризани олган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида буюрмачи билан жамоатчилик эшитувини ўтказиш жойи ва вақтини келишиб олади.

Жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси аризани олган вақтдан бошлаб иккинчи иш куни якунига қадар буюртмачи ва Давлат экология құмитаси худудий органига жамоатчилик эшитувини ўтказиш санаси ва вақти тўғрисида хабарномани жўнатади.

11. Буюрмачи жамоатчилик эшитувини ўтказиш санаси ва вақти тўғрисида хабарномани олгандан кейин оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, жамоатчилик эшитуви ташкилотчисининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий саҳифасида эълон беради.

Эълон жамоатчилик эшитувини ўтказилишидан олдин йигирма кундан кечиктирилмасдан давлат тилида ёки кўпчилик аҳоли гаплашадиган бошқа тилда берилади.

Буюртмачи жамоатчиликтин хабардор қилишнинг бошқа қўшимча усулларидан (ахборот варақалари, стендлар, индивидуал билдиришномалар) фойдаланишга ҳақли.

12. Эълонда қўйидагилар:

жамоатчилик эшитувини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;  
ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларини, шунингдек, атроф мұхитта таъсирни баҳолаш материалларининг экологик жиҳатларини кўрсатган ҳолда мүлжалланаётган, режалаштирилаётган ва амалда фаолият юритаётган хўжалик фаолиятининг номи;

манфаатдор томонлар лойиха материалларининг қоғоз шакли билан танишишлари мумкин бўлған жой манзили;

материалларнинг электрон шакли жойлаштирилган Интернет жаҳон ахборот тармоғи манзили, агар у мавжуд бўлмаса, материалларнинг электрон шаклини расмий сўраб олиш мумкин бўлған электрон почта манзили;

мулоҳазалар ва таклифлар қабул қилинадиган электрон почта манзили кўрсатилади.

13. Жамоатчилик эшитувини ташкил этиш тўғрисида расмий эълон қилинган санадан бошлаб буюртмачи манфаатдор томонларнинг атроф мұхитта таъсирни баҳолаш материаллари билан танишишини таъминлайди, мулоҳазалар ва таклифларнинг қоғоз ва электрон шаклда қабул қилинишини ва рўйхатга олинишини амалга оширади.

14. Жамоатчилик эшитуви ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

### **3-боб. Жамоатчилик эшитувини ўтказиш тартиби**

15. Жамоатчилик эшитуви кунида белгиланган вақтда ва белгиланган жойда жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси томонидан эшитув иштирокчиларини рўйхатга олиш амалга оширилади.

16. Жамоатчилик эшитуви ташкилотчисининг масъул вакили эшитувни очиб беради.

Жамоатчилик эшитуви иштирокчилари кўпчилик овоз билан кун тартибини тасдиқлайдилар ва уни олиб бориш учун раисни сайлайдилар.

Жамоатчилик эшитуви ташкилотчисининг масъул вакили эшитув котиби ҳисобланади.

17. Жамоатчилик эшитувида дастлаб буюртмачи вакилининг маъruzаси тингланади.

Маърузада техник хусусияти бўлмаган резюме тўғрисида маълумотлар бўлиши керак.

Буюртмачининг вакили ўз маърузасида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан лойиҳа бўйича олинган таклифлар ва мулоҳазалар тўғрисида ахборот бериши ҳамда ушбу мулоҳазалар ёки таклифларга асосли жавоб бериши лозим.

Бундан ташқари, ҳисботда буюртмачи томонидан ва унинг ҳисобидан обьект қурилиши мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган жой яқинида яшовчи ва (ёки) ўзларининг меҳнат фаолиятини амалга ошираётган аҳоли ҳаёти ва саломатликларини суғурталаш, шунингдек, мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини амалга ошириш натижасида одамлар ҳаёти ва саломатлигига зарар етказилиши ҳолларида қопланиши лозим бўлган компенсация миқдори тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши мумкин.

18. Эшитувда барча иштирокчилар ўз фикрини билдириш ва буюртмачи вакилига саволлар бериш хуқуқи эга.

Буюртмачи вакили жамоатчилик эшитуви иштирокчиларининг саволларига жавоб бериши лозим.

19. Буюртмачи ҳисботларни, саволларни, жавобларни ва нутқларни ёзиб олиш ҳамда йифишни, шу жумладан, видео суратга олишни ташкил қиласди.

Жамоатчилик эшитувида ОАВ вакиллари иштирок этиши мумкин, улар томонидан аудио ёзувлар ва видео суратга олиш амалга оширилган тақдирда, бу ҳақда эшитув иштирокчиларининг барчаси хабардор қилинади.

20. Кун тартибидаги масала бўйича қарор жамоатчилик эшитуви иштирокчиларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

21. Жамоатчилик эшитуви натижалари раис ва котиб томонидан имзоланадиган жамоатчилик эшитуви баённомаси билан расмийлаштирилади.

Жамоатчилик эшитуви баённомаси жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси вакили томонидан юритилади.

22. Баённоманинг бир нусхаси бир иш кунида буюртмачига тақдим қилинади, иккинчи нусхаси эса жамоатчилик эшитуви ташкилотчисида қолади.

Ўтказилган жамоатчилик эшитуви тўғрисидаги маълумот баённома нусхаси илова қилинган ҳолда икки иш кунида жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси томонидан Давлат экология қўмитаси худудий органига маълумот учун жўнатилади.

Жамоатчилик эшитуви иштирокчиси жамоатчилик эшитуви баённомаси билан танишиб чиқиш ҳамда ўз таклиф ва эътиrozларини Давлат экология қўмитаси тегишли худудий органига жўнатиш ҳукуқига эга.

23. Жамоатчилик эшитуви ўтказиш натижасида назарда тутилаётган худудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш, шунингдек, амалда фаолият юритаётган хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсирини камайтириш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

24. Жамоатчилик эшитуви манфаатдор томонларнинг камидаги ўн нафар вакиллари иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Давлат экология қўмитаси томонидан давлат экологик экспертизасини ўтказишида қуйидаги асосларда ўтказилган жамоатчилик эшитуви ўтказилмаган деб топилиши мумкин:

эшитувда манфаатдор томонларнинг вакиллари ўн нафарни ташкил этмаганда;

жамоатчилик эшитуви иштирокчининг эшитувни ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳақидаги эътирози тасдиқланган тақдирда.

Буюртмачи қайта ташкил этиладиган жамоат эшитуви санасини ушбу Низомда белгиланган тартибда ташкилотчи билан келишади ва тегишли эълонни беради.

25. Видеоматериаллар илова қилинган назарда тутилаётган худудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарор атроф муҳитга таъсири баҳолаш материалларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш ва қабул қилиш учун асос бўлади.

Агар назарда тутилаётган худудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини жамоатчилик томонидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, буюртмачи рад этиш сабабларини бартараф этиб, шунингдек, жамоатчилик эшитувининг мулоҳазаларини назарда тутиб, жамоатчилик эшитувини ўтказиш учун хужжатларни қайтадан тақдим этиши мумкин.

26. Буюрмачи томонидан мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш материаллари бўйича тақдим этилган ёлғон маълумотлар асосида қабул қилинган жамоатчилик эшитувининг қарори давлат экологик экспертизасини ўтказишида ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ижобий хулоса берилиши рад этилишига олиб келади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

27. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Атроф мухитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик  
эшитувларидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Жамоатчилик эшитувини ўтказиш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Буюртмачи	<p>Атроф мухитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари обьектлари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг техник хусусияти бўлмаган резюме шаклида илова қилинган жамоатчилик эшитувини ўтказиш юзасидан аризани Давлат экология қўмитаси худудий органларига тақдим қиласди.</p>	Жамоатчилик эшитуви ўтказилишидан камида 30 кун олдин
2-босқич	Давлат экология қўмитаси худудий органлари	<p>Аризани қабул қиласди, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш зарур эканлигини аниқлаган тақдирда тегишли жамоатчилик эшитувлари ташкилотчиси (туман (шаҳар) ҳокимлеклари)га жамоатчилик эшитувини ташкил этиш учун жўнатади.</p>	2 иш кунида
3-босқич	Жамоатчилик эшитуви ташкилотчиси (туман (шаҳар) ҳокимлиги)	<ol style="list-style-type: none"><li>Буюртмачи билан жамоатчилик эшитувини ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди.</li><li>Буюртмачи ва Давлат экология қўмитасининг худудий органларига жамоатчилик эшитувини ўтказиш жойи ва вақти ҳақида хабарномани жўнатади. Жамоатчилик эшитувини ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.</li></ol>	1 иш кунида 2 иш кунида
4-босқич	Буюртмачи	<p>Жамоатчилик эшитуви ўтказилиши ҳақидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди, шунингдек, ўз ихтиёрига кўра хабардор қилишнинг бошқа усулларидан фойдаланади.</p>	Жамоатчилик эшитуви ўтказилишидан камида 20 кун олдин
5-босқич	Жамоат эшитуви ташкилотчиси (туман (шаҳар) ҳокимлиги)	<ol style="list-style-type: none"><li>Жамоатчилик эшитувини ташкил этади, ўтказилган йигилиш баённомасини расмийлаштиради ва унинг нусхасини буюртмачига тақдим қиласди.</li><li>Ўтказилган жамоатчилик эшитуви тўғрисидаги маълумот билан баённоманинг бир нусхасини Давлат экология қўмитасининг худудий органига жўнатади.</li></ol>	5 иш кунида 2 иш кунида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 7 сентябрдаги 54-сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Курилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 2-илованинг 7-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 248-банди.

